



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI EKOLOGIYA, ATROF-MUHITNI
MUHOFAZA QILISH VA IQLIM O'ZGARISHI VAZIRLIGI
DAVLAT EKOLOGIK EKSPERTIZASI MARKAZI
TOSHKENT SHAHAR FILIALI**

Manzil: 100170 Toshkent shahar, Mirzo-Ulug'bek tumani, Sayram 5-tor ko'chasi
15-uy, Tel: 71-203-01-03

**DAVLAT EKOLOGIK EKSPERTIZASI
XULOSASI**

TARTIB RAQAM 01-02/14-2600

HUJJAT TURI Atrof-muhitga ta'sir to'g'risidagi ariza loyihasi

Davlat ekologik ekspertizasi buyurtmachisi: ALIMATOV ZAFAR ZAKIROVICHga berildi.

STIR: 30507710220038

Obyekt nomi: Toshkent shahri, Shayxontohur tumani, Ibn Sino 2 k'chasi, 3 uy manziliida jismoniy шахс Алиматов З.З. томонидан кўп қаватли турар жой уйлари қурилиши учун ишлаб чиқилган "Атроф-муҳитга таъсири тўғрисидаги баёнот" (АМТТБ) лойиҳаси

Loyihalarini ishlab chiquvchi nomi: ALIMATOV ZAFAR ZAKIROVICH

STIR: 30507710220038

Davlat ekologik ekspertizasi mas'ul eksperti: ZAKIROVA NARGIZA BAXODIROVNA

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 7-sentabrdagi 541-son qarori bilan tasdiqlangan 1-ilovaga muvofiq, ushbu davlat ekologik ekspertizasi obyekti **atrof-muhitga ta'sir ko'rsatishning III toifa toifasining 52-bandiga mansub.**

O'tkazilgan davlat ekologik ekspertizasi natijasi: **Ijobiy xulosa**

Davlat ekologik ekspertizasi xulosasi: **Ilovasiz huquqiy hujjat hisoblanmaydi**

Berilgan sana: 01.11.2024

Amal qilish muddati: 01.11.2027

Ekologik ekspertiza obyektining ekologik talablarga muvofiqligi, joylashuv nuqtalari koordinatalari, atrof-muhitni muhofaza qilish chora-tadbirlari, bajarilishi shart bo'lgan talablar va boshqalar to'g'risida ilovada keltirilgan O'zbekiston Respublikasi ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim o'zgarishi vazirligining Davlat ekologik ekspertiza markazi va filiallarining ekspert xulosasi ushbu davlat ekologik ekspertizasi xulosasining ajralmas qismi hamda unda belgilangan talablar bajarilishi shart hisoblanadi.

Izoh: Buyurtmachi tomonidan davlat ekologik ekspertizasi xulosasida nazarda tutilgan ekologik talablarga rioya etilmaganda, davlat ekologik ekspertizasi xulosasi qonunchilikda belgilangan tartibda bekor qilinadi.

Direktor



Sh.Muminov

Davlat ekologik ekspertizasi natijalari bo'yicha Ekspert xulosasi talablari

Жисмоний шахс Алиматов 3.3. қуйидагиларни таъминлаши лозим:

- объект ҳудудида қурилиши шларини олиб бориш даврида (асосан котлован қисмини қазишда) ҳосил бўладиган ортикча тупроқ, кум ва шағални ўзбошимчалик билан сотиш ёхуд Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси билан келишилмаган ҳолда бошқа мақсадлар учун объект ҳудудидан олиб чиқиш ман этилади. Ўзбекистон Республикаси ер ости бойликлари тўғрисидаги Қонунининг 3-моддасига биноан, ер ости бойликлари умуммиллий бойлиги ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикасининг мутлақ мулкидир;

- кейинги босқичда, корхонада аниқлаштирилган чиқиндилар ва ташламалар миқдори номенклатурасини ҳисобга олган ҳолда, атроф муҳитга таъсир кўрсатишнинг яқунловчи босқичи “Экологик оқибатлар тўғрисида баёнот” (ЭОТБ) лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат экологик экспертизасига тақдим этиш;

- лойиҳада кўрсатилган қурилиш ишлари тугатилганидан сўнг, бино атрофлари комплекс ободонлаштириш, дарахтлар экиб “Яшил макон” барпо қилиш, яшил майдонларни мунтазам суғориш ва доимо тозаллиги сақлансин;

- объект жойлашадиган майдоннинг ён атрофида мавжуд бўлган ўсимлик ва дарахтларни кесиш қатъиян ман этилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 декабрдаги “Республикада кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дарахтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-46-сонли Фармони, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 18 февралдаги 93-сонли “Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарнинг қимматбаҳо навларини сақлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори талабларига мувофиқ, мораторий амал қилиши белгиланди. Унга кўра ваколатли давлат органларига давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилиши ман этилади;

- атроф муҳитга таъсирини баҳолашни лойиҳалаштиришнинг кейинги босқичи “Экологик оқибатлар тўғрисида баёнот” (ЭОТБ) лойиҳасида бажарилган лойиҳавий ечимлар ва давлат экологик экспертизаси

хулосасининг талаблари бажарилганлиги тўғрисидаги Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш инспекцияси иштирокида объект жойлашган жойнинг текшириш далолатномасини тақдим этиш;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш механизмини янада такомиллаштириш тўғрисида” 07.09.2020 йилдаги 541-сонли қарорининг 3-иловасига мувофиқ, объектни қуришдан аввал объект атрофида яшайдиган 10 нафар фуқаролардан кам бўлмаган ҳолда экологик жамоатчилик эшитувлари ўтказилиши ва ўтказилган йиғилиш натижалари “Экологик оқибатлар тўғрисида баёнот” лойиҳасига илова қилиниши, шу билан бирга мазкур объектни реконструкция қилиниши учун Давлат санитария эпидемиология осойишталик маркази органларидан тегишли рухсатномаларни олиши;

- Бино ва иншоотларни жойлаштириш жараёни (қурилиш)да СанҚваМ-0350-2017-сонли санитария норма ва қойдаларига риоя қилган ҳолда ташкил қилиш;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28.01.2021 йилдаги 40-сонли “Қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги низом талабларига амал қилиш, шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 02.10.2018 йилдаги 787-сонли “Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги ишлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги низомга мувофиқ тасдиқланган “Санитария жиҳатидан тозалаш инфратузилмаси объектларини жойлаштириш ва улардан фойдаланиш ҳамда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш қоидалари”га асосан ишларни ташкил этиш.

- маиший чиқиндиларни тўплаш ва вақтинча сақлаш учун махсус пунктларни ташкил этиш (стандарт бўйича), уларнинг хили бўйича алоҳида идишларда йиғилишини таъминлаш ва уларни олиб чиқиш бўйича ихтисослашган санитария компаниялари билан шартнома тузиш.

- объектда атроф табиий муҳитга ифлослантирувчи моддалар чиқариб ташланиши устидан узлуксиз назорат қилиш воситалари билан жиҳозланган пункт (блок пост)лар барпо этиш, бундай пунктларнинг иши устидан назоратни амалга ошириш ва олинган маълумотларни тизимли равишда тақдим этиб бориш, атроф муҳит мониторинги натижаларига кўра тўпланган маълумотлар ёки ҳисоботларни топшириш (*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 5 августдаги 216-сонли қарорининг 29-банди талабларига асосан*);

- объектда ўрнатилган ускуналар ва шамоллатиш тизимларининг ишлаш самарадорлигини текшириш учун мунтазам равишда профилактик-текширув ишларни бажариш ва аниқланган носозликларни ўз вақтида бартараф этиш;

- чиқиндиларнинг хавфсиз шарт-шароитда тўпланиши, сақлаш майдонида экологик нормадан ошиқ жойлаштирилмаслиги, ўз вақтида утилизация қилинишини доимий назоратда тутиш;

- чиқиндиларни хавфлилик даражаси ва турига қараб ажратган ҳолда тўплаш ва вақтинча сақлашга мўлжалланган махсус пункт (МСП) ташкил этиш ҳамда қаттиқ қопламали майдончаларда зарур миқдордаги қопқокли контейнерлар ўрнатиш;

- қайта тикладиган энергия манбаларини ва ресурс тежамкор технология ва ускуналардан фойдаланиш;

- санитар тозалаш бўйича ихтисослаштирилган корхона билан тузилган шартномага биноан маиший чиқиндиларнинг ўз вақтида олиб кетилишини таъминлаш;

- чиқиндилар миқдорини камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалда тадбиқ этиш;

- саноат ва ёрдамчи ускуналар, аппаратура, коммуникация ва вентиляция мосламаларини соз ҳолда тутиш, мунтазам равишда техник хизмат кўригидан ўтказиш ишларини доимий равишда амалга ошириши лозим.

Буюртмачи Давлат экологик экспертизаси хулосасида кўрсатилган талабларга риоя этмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 07.09.2020 йилдаги 541-сонли (Атроф муҳитга таъсирини баҳолаш механизминини янада такомиллаштириш тўғрисида) қарорининг 7-бобида хулосани амал қилишини тўхтатилиши белгилаб қўйилган.

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этилмаганлиги учун корхона раҳбари қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлишини эслатиб ўтамиз.

Ўзбекистон Республикаси “Экологик экспертиза тўғрисида”ги Қонуннинг 22-моддасига биноан, ушбу объектнинг экологик талабларга мувофиқлиги хусусида Давлат экологик экспертизасининг берган хулосаси, берилган кундан эътиборан **3 йил** мобайнида юридик кучга эга. Хулосада кўрсатилган шартлар бажарилмаганда ва юқорида кўрсатилган фаолиятдан ташқари бошқа қўшимча фаолият турлари ташкил этилганда, ташламалар ва чиқиндилар миқдори ўзгарган тақдирда, ушбу экологик экспертиза хулосаси ўз кучини йўқотади.

Ўзбекистон Республикасининг “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонунининг 1-моддасига биноан, мазкур фаолиятни амалга ошириш мумкинлиги тўғрисидаги **давлат экологик экспертизасининг хулосаси рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат ҳисобланмайди.**

Давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосаси режалаштирилаётган фаолиятнинг атроф-муҳитга зарарли таъсирларини экологик жиҳатдан баҳолашдан иборат ва ушбу фаолиятнинг қонунчиликда белгиланган **бошқа рухсат этувчи ҳужжатларини олиш заруриятидан озод этмайди.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш механизмини янада такомиллаштириш тўғрисида” 07.09.2020 йилдаги 541-сонли Қарори 26-банди 4-хатбошисига биноан экологик экспертиза хулосасини олиш мақсадида тақдим этган ҳужжатлар ва маълумотларнинг ишончлилиги ва ҳаққонийлиги учун буюртмачи жавобгар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Экологик экспертизаси тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 07.09.2020 йилдаги 541-сон қарорининг 6 ва 7-боблари, 43, 53 ва 57-бандларига мувофиқ, Давлат экологик экспертизаси хулосасининг амал қилиш муддати уч йил этиб белгиланган. Шу билан бирга, агар экспертиза объекти давлат экологик экспертизасининг хулосаси берилган кундан бошлаб уч йил мобайнида реализация қилинмаса, давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосаси юридик кучга эга бўлмайди.

Ушбу давлат экологик экспертизаси хулосасида кўзда тутилмаган фаолият турлари билан шуғулланиш, янги қурилиш, қайта тиклаш, кенгайтириш ишларини амалга оширилиши ва бошқа фаолият туридан фойдаланиш кўзланган тақдирда “Атроф муҳитга таъсири тўғрисидаги баёнот” (АМТТБ) лойиҳаси ишлаб чиқилиб, белгиланган тартибда Давлат экологик экспертизасига тақдим қилиниши ҳамда тегишли хулоса олиниши шарт.

Тошкент шаҳар экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармасининг туман инспекциясига жисмоний шахс Алиматов З.З. томонидан экологик қонунлар ва меъёрларига риоя этилишини, табиатдан фойдаланганлик учун белгиланган тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилиши устидан мунтазам назорат қилиш, лойиҳа ҳужжатида назарда тутилган табиатни муҳофаза қилиш тадбирларининг бажарилишини, ҳамда хулосада кўрсатилган талаблар бажарилиши устидан мунтазам назорат олиб бориш юклатилади.



Ма'сул эксперт: ZAKIROVA NARGIZA BAXODIROVNA

Obyekt haqida qisqacha ma'lumot

“Давлат экологик экспертизаси маркази” Тошкент шаҳар филиалига, Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани, Ибн Сино 2 кўчаси, 3 уй манзилида жисмоний шахс Алиматов З.З. томонидан кўп қаватли турар жой уйлари қурилиши учун ишлаб чиқилган “Атроф муҳитга таъсири тўғрисидаги баёнот” (АМТТБ) лойиҳаси қайта тақдим этилди.

Объект учун ишлаб чиқилган вазиятли режада кўрсатилган координата маълумотлари “Google Earth Pro” дастури ёрдамида кузатилганда, қуйидагича белгиланган;

1. 41.337266 " ШК 69.169497 " ШУ;
2. 41.337467 " ШК 69.169418 "ШУ;
3. 41.337472 " ШК 69.169974 " ШУ;
4. 41.337164 " ШК 69.169985 "ШУ;

Объект қурилиши учун ажратилган умумий ер майдони – 0,1253 м.кв бўлиб, аҳоли турар жой уйлари билан чегараланган. Энг яқин турар-жой бинолари объектга нисбатан жануби шарқ томондан 15 метр масофада жойлашган.

Лойиҳага, Шайхонтохур тумани, “Шодлик” МФЙ томонидан, 2024 йил 2 октябрдаги БАЁНИ илова қилинган бўлиб, шу ҳудудда жисмоний шахс Алиматов З.З. томонидан кўп қаватли турар жой уйлари қурилиши учун розилик билдирганликлари тўғрисида яқин масофада яшовчи аҳоли томонидан имзоланган.

Лойиҳага биноан, қурилиш майдонида манзарали дарахтлар мавжуд бўлиб, жисмоний шахс Алиматов З.З. томонидан кафолат хати лова қилинган. Унга кўра ушбу ер майдонида 1 туп ўрк (d 10-15 см) ва 1 туп қайрағоч (d 10-15 см) мавжуд бўлиб, қурилиш даврида ушбу дарахтлар қурилиш остига тушмаслиги ва шикаст етказмаслиги ҳақида таъкидлаб ўтилган.

Объектни ташкил этишда ўсимлик дунёсига зарарли таъсирни камайтириш учун, объект ҳудудида мавжуд бўлган ўсимликларни максимал даражада сақлаш усуллари топиш лозим. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 декабрдаги “Республикада кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дарахтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-46-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 18 февралдаги 93-сонли “Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарнинг қимматбаҳо навларини сақлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори талабларига мувофиқ, мораторий амал қилиши белгиланди, унга кўра ваколатли давлат органларига давлат ўрмон фондига

кирмайдиган дарахтлар ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилиши ман этилади.

Объектда ҳудудидаги ва унинг яқинидаги дарахтларни кўчирилиши ёки кесилиши заруриятида белгиланган тартибда рухсатномаларни олгандан сўнг, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги инспекциясининг назоратида бажарилиши шарт. Мазкур давлат экологик экспертизаси хулосаси дарахтларни кесиш учун рухсатнома бўлиб ҳисобланмайди. Дарахтларни кесиш ёки буталаш учун белгиланган тартибда Тошкент шаҳар экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармасининг рухсатномаси олиниши зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Республикада кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дарахтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2021 йил 30 декабрдаги ПФ-46-сонли Фармонида кўрсатилган талабларга асосан: янги қуриладиган, баландлиги ер юзасидан 12 метрдан ва (ёки) умумий майдони 500 квадрат метрдан ортиқ бўлган бино ва иншоотларни лойиҳалаштиришда уларга туташ ҳудудларнинг кўкаламзорлаштириш (дарахтлар, буталар, бошқа ўсимликлар ва ниҳолларни экиш) майдонлари лойиҳа учун ажратиладиган ер участкалари умумий майдонининг 25 фоизидан кам бўлишига йўл қўйилмайди (эксплуатация муддатини ўтаб бўлган ва маънан эскирган бино ва иншоотларни реновация қилиш бундан мустасно).

Кесилиш ёки кўчиришга тушадиган дарахтларни қурилиш ишлари бошланишидан аввал қонун доирасидан чиқмаган ҳолда тегишли рухсатномаларини олиш зарур.

Лойиҳага кўра, кўп қаватли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси бўлган 1 та 8 қаватли, жаъми 96 та хонадондан ташкил топган, аҳоли учун турар-жой биноларини қурилиши режалаштирилган.

Хар бир хонадонга икки контурли газ қозонлари (96 та) ўрнатиш кўзда тутилган. Уларни ишлаши натижасида атмосфера ҳавосига углерод, азот ва олтингугурт оксидлари каби ифлослантирувчи моддаларни ташланиши кузатилади.

Турар-жой бинолари қурилиши билан бирга ҳар бир қаттиқ маиший чиқинди тури учун уни вақтинча сақлаш жойларини ва уларнинг кейинги ҳаракатлари экологик тадбирларини кўриб чиқиш, ҳамда чиқинди контейнерларини ўрнатиш учун махсус бетонланган майдонни ташкил этилиши шарт.

Кулайликлар яратиш ва кичик тадбиркорликни кўпайтириш мақсадида, биноларнинг пастги қаватида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаларини ташкил этилиши мўлжалланган. Шунингдек, қурилиш тугатилгандан сўнг, объект ҳудудудини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилиши кўзда тутилган. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш чора-тадбирларининг режасида автотураргоҳ, болалар майдончасини, вақтинчалик чиқиндилари сақлаш

жойларини, йўлакларни, махсус белгиларни, айвончаларни ташкил этиш ҳамда манзарали ва мевали дарахт ва буталарни экилиши режалаштирилган.

Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчасини таркибида озиқ-овқат ва хўжалик дўконларини ҳамда маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчасини ташкил этилиши мўлжалланган.

Қурилиш режалаштирилган ҳудуднинг кириш ва чиқиш йўлакларида махсус юк ташувчи машиналарни балонларини ювиш ва чанг кўтарилишини олдини олиш мақсадида махсус блок постлар ўрнатиш талаб этилади.

Реконструкция ва қурилиш даврида чанг ва шовқинни олдини олиш мақсадида юқори қаватлардаги қурилиш ва таъмирлаш чиқиндиларини хавфсиз ва тез пастга тушириш учун махсус қурилиш шланглари ва бардошли ахлат қутиларини (строительный рукав) ўрнатиш талаб этилади.

Объект хоналарини иссиқлик билан таъминлаш учун, ҳар бир хонадонда замонавий икки контурли қозонларини ўрнатилиши режалаштирилган. Хонадонларда овқат тайёрлаш учун “ПГ-4” русумли газ плиталаридан фойдаланилади.

Газ ёндириш қурилмаларининг фаолияти даврида атмосфера ҳавосига углерод, азот ва олтингугурт ангидриди кўринишидаги ифлослантирувчи моддаларни ташланиши кузатилади.

Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи ташламалар манбалари сони 96 та (ташқиллаштирилган) бўлиб, улардан атмосфера ҳавосига йилига 3 турдаги (йилига 1,87т) ифлослантирувчи моддалардан: углерод оксиди 16,25 т/йил, азот икки оксиди 4,573 т/йил ва олтингугурт икки оксиди 0,081 т/йил миқдорда ташланиши кузатилади.

Келтирилган ҳисобларга кўра, атмосфера ҳавосига чиқариладиган барча ифлослантирувчи моддаларнинг ер юзасидаги энг юқори концентрациялари саноат майдони чегарасидан ташқарида улар учун ўрнатилган квоталардан паст даражада бўлиши кўрсатилган.

Объектнинг хўжалик-ичимлик ва хўжалик-маиший эҳтиёжлари учун шаҳар ичимлик сув тармоғидан амалга оширилади. Объект бўйича сув сарфи йилига 32270,18 м³ни ташкил этади. Ҳосил бўладиган хўжалик-маиший оқава сувлари шаҳар канализация тармоғига ташланади.

Очиқ сув ҳавзаларидан сув истеъмол қилиш ва уларга сув оқизиб юбориш лойиҳа ҳужжатида назарда тутилмаган.

Экологик лойиҳалаштиришнинг кейинги босқичини ишлаб чиқиш жараёнида, қурилиши режалаштирилаётган кўп қаватли аҳоли турар-жой мажмуаси атрофидаги қаттиқ қоплам остидаги ҳудудга сув сепиш ҳамда яшил экинлар майдонини суғориш учун сув манбаи ва ушбу эҳтиёжлар учун сарфланадиган сув миқдори ҳисоб-китоблари билан тўлиқ кўрсатилиши лозим.

Объект хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш натижаларига кўра, объект ишга туширилгандан сўнг, умумий миқдори йилига 200,50265 тоннага тенг хавфлилик даражаси IV ва V синфга мансуб бўлган қаттиқ маиший ва истеъмол чиқиндиларининг ҳосил бўлиши аниқланган.

Лойиҳада барча чиқиндиларнинг ҳосил бўлиш манбалари ёритилиб, уларнинг йиллик миқдори, меъёрлари ҳисоб-китоби келтирилган.

Ҳар бир чиқинди тури учун уни вақтинча сақлаш жойларини ва уларнинг кейинги ҳаракатлари экологик тадбирларини кўриб чиқиш ҳамда чиқинди контейнерларини ўрнатиш учун махсус бетонланган майдонни ташкил этиш шарт.

Экологик лойиҳалаштиришнинг кейинги босқичини ишлаб чиқиш жараёнида тақдим қилинган АМТБ лойиҳасида инобатга олинмаган чиқиндиларни (савдо ва маиший хоналардан ҳосил бўладиган қаттиқ маиший чиқиндилар, объект атрофидаги қаттиқ қоплам остидаги ҳудуд ва яшил экинларни тозалашдан ҳосил бўладиган супуринди ахлат) ҳисобга олиш, уларни тўплаш, вақтинча сақлаш жойларини ташкил қилиш, қайта ишлаш ёки утилизация қилиш усуллари тўлиқ кўрсатиш шарт. Шунингдек, объект ҳудудида чиқиндиларни вақтинча сақлаш жойлари ва атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддаларни чиқариш манбалари жойлашуви акс этган хариталарни тақдим этиш керак бўлади.

Лойиҳа ҳужжатида атроф-муҳит муҳофазасига қаратилган чора-тадбирлар, ҳамда вужудга келиши мумкин бўлган аварияли ҳолатлар, ёнғин хавфсизлиги ва уларнинг олдини олиш бўйича зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Буюртмачи жисмоний шахс Алиматов 3.3. раҳбарияти, қурилиши режалаштирилаётган кўп қаватли турар-жой уйлари мажмуаси хонадонларида ўрнатиладиган газ ёқиш ускуналарининг қувурларини шикастланиши натижасида портлаш эҳтимолини олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар, яъни газ қувурларидаги босимни доимий равишда кузатиб бориш ва газ сизиб чиқишини ўз вақтида бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш керак бўлади. Бундай авария ҳолатини олдини олиш мақсадида, ИП-103-2/1 типдаги портлашга қарши детекторни ўрнатиш, газ қувурларидаги босимни доимий равишда кузатиб бориш ва газ сизиб чиқишини ўз вақтида бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш керак бўлади.

Давлат экологик экспертизасининг таҳлилий натижаларига кўра, кўриб чиқиш учун тақдим қилинган “Атроф муҳитга таъсири тўғрисида баёнот” (АМТБ) лойиҳа ҳужжатлари амалдаги Ўзбекистон Республикаси “Экологик экспертизаси тўғрисида”ги қонуни, Низом ҳамда қонуности экологик меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ ишлаб чиқилганлиги аниқланди.

Юқоридагиларни инобатга олиб, “Давлат экологик экспертизаси маркази” Тошкент шаҳар филиали, Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани, Ибн Сино 2 кўчаси, 3 уй манзилида жисмоний шахс Алиматов 3.3. томонидан кўп қаватли турар жой уйлари қурилиши учун ишлаб чиқилган “Атроф-муҳитга таъсири тўғрисида баёнот” (АМТБ) лойиҳасини маъқуллайди.



Ma'sul ekspert: ZAKIROVA NARGIZA BAXODIROVNA